## Евроосиё жамғармаси грантлари

**Халқаро ташкилотлар, жамғармалар, муассасалар, ҳукумат дастурлари томонидан ўтиш даври иқтисодиёти давлатларида ҳаётнинг турли соҳаларини кенг ислоҳ қилиш жараёнларининг грантлар ёрдамида қўллаб-қувватланиши бугунги кун белгисига айланди.**

Марказий Осиё республикалари, шу жумладан мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Яқинда Евроосиё жамғармаси Ўзбекистон ва қўшни Тожикистонга умумий қиймати 158 минг АҚШ долларидан ортиқ грантлар ажратди. Евроосиё жамғармасининг Тошкентдаги минтақавий идораси экспертлар кенгаши мазкур грантлар икки республикада хусусий тадбиркорлик, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун саккизта ташкилотга берилишини маъқуллади.

Ўзбекистонда ушбу грантларга «Тошкент ресурс маркази» жамоатчилик жамғармаси, Қўқон ахборот ва ижтимоий-маркетинг тадқиқотлар маркази, Термиз «Тараққиёт» фуқаролар ташаббусини қўллаб-қувватлаш маркази, Бишкент шаҳридаги «Ривожланаётган аёл» ноҳукумат нотижорат ташкилоти, Жиззах вилояти кутубхонаси эга бўлди.

Масалан, Термиздаги марказга 18 минг 319 доллар миқдоридаги грант Обод маҳалла йилида фуқаролик жамияти муаммолари тўғрисида кенг жамоатчилик мулоқотини қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилди. Мазкур лойиҳа доирасида қўшни маҳаллаларнинг 120 нафар етакчиси ва 30 нафар журналист ўқитилади. Ахборот ресурс маркази ташкил этилиб, замонавий жамиятда маҳалланинг ролини оширишга қаратилган ойлик телекўрсатувлар тайёрланади ва эфирга узатилади.

«Тошкент ресурс маркази»га ажратилган 19 минг АҚШ долларидан ошиқ маблағ ижтимоий фанлар соҳасида янгиланаётган таълимни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Ушбу лойиҳа доирасида олий ўқув юртлари ўқув режасига янги «Ижтимоий ишлар асослари» курси киритилади, янги дарслик тайёрланади, Тошкент ва Фарғона иниверситетларида ўқув курслари ўтказилади. Мазкур лойиҳа янги жтимоий ходимларнинг касбий малакасини ошириш, нафақахўрлар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун шароит яратиш имконини беради.

Қўқонда эса Евроосиё жамғармаси ажратган 32 минг 661 долларга ривожланиш бўйича лойиҳалар сифатини яхшилаш учун баҳоловчилар миллий тармоғи ташкил этилади. Унинг иштирокчилари тренингдан ўтгач, турли нотижорат лойиҳаларини баҳолайди. Мазкур лойиҳа доирасида ташкил этиладиган Кузатув кенгаши тармоқ аъзолари фаолияти мониторингини амалга оширади. Лойиҳаларни баҳолаш бўйича билимларни ошириш ҳам маҳаллий, ҳам халқаро ташкилотларга ўз фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Бишкент шаҳри учун тасдиқланган, қиймати 22 минг 525 АҚШ долларига тенг лойиҳада қишлоқда ривожланиш ва кичик агробизнесда кооперацияга кўмаклашиш кўзла тутилган бўлса, Жиззах лойиҳаси (12 минг 36 доллар) фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини жараёнига жалб этилишини оширишга қаратилган. Шунингдек, мазкур лойиҳада жамиятла фуқаролик институтларининг ролига алоқадор тўрт йўналиш бўйича туркум семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Бунинг натижаси ўлароқ, маҳалла етакчилари ва маҳалла қўмиталари аъзолари ноҳукумат ташкилотлар, тадбиркорлар ҳамда давлат ҳокимияти вакиллари билан биргаликда янги ижтимоий ҳамкорлик учун асосларни яратиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, Евроосиё жамғармаси 1993 йилдан буён АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ва бошқа донор ташкилотлар кўмагида МДҲнинг 12 давлатига 130 миллион АҚШ доллари миқдорида 6500 дан ортиқ грант тақдим этди..

Марказий Осиёда мазкур жамғарма томонидан фуқаролик жамияти, хусусий тадбиркорлик, давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларини ривожлантириш борасида ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун 20 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган.

(ЎзА)

### КРЕДИТГА - МАШИНА:
# ҚУЛАЙ, ОММАБОП ВА ФОЙДАЛИ

**Бундан салкам етти йил муқаддам - 1996 йил 19 июлда Президентимиз Ислом Каримов «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг расмий очилиш маросимида сўзлаган нутқида ушбу корхонанинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: «шубҳа йўқки, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди», деб таъкидлаганди.**

Дарҳақиқат, Марказий Осиё минтақасида ягона енгил автомобиль заводи ҳисобланмиш бу азим корхона ишга тушганидан буён ўтган етти йиллик давр мобайнида унинг конвейерларидан барчага манзур бўлаётган 325 мингта турли русумдаги машина чиқди. Истиқлолнинг илк автомобиллари - «Нексия», «Тико», «Дамас» кўчаларимизда пайдо бўлганидан бошлаб автооламнинг бу гўзал хилқатлари деярли ҳар бир ўзбек хонадонининг беминнат дастёрига, том маънодаги ишончи ва таянчига айланиб қолди. 2001 йилнинг 17 августида заводнинг қисқа вақтда барпо этилган яна бир линиясидан замон талабларига ва халқаро андазаларга тўла жавоб бера оладиган, ҳар томонлама қулай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган, бошқача айтганда, исми жисмига мос «Матиз» (яъни «роҳатижон») деб ном олган янги харидорбоп енгил машиналар чиқа бошлади. Бу воқеа ҳам кишиларимиз томонидан катта эътибор ва қизиқиш, муболағасиз айтиш мумкинки, зўр фахрланиш туйғуси билан кутиб олинди.

Бугунги кунда автомобилларимиз нафақат ички бозорда, балки хорижий мамлакатлар, хусусан, МДҲ бозорларида ўзининг сифати, ташқи ва ички безаги, нисбатан арзон ҳамда қулайлиги билан ғоят қадрланяпти.

Энг муҳими, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бошқа тегишли ҳамкорлари билан биргаликда Мустақиллик неъмати - ўзимизнинг енгил машиналаримизни ҳамюртларимиз ўз диди ва истагидан келиб чиққан ҳолда энг яқин дўконлардан, қулай шарт-шароитларда бемалол харид қилиш имкониятига эга бўлиши учун янгидан-янги енгилликлар яратиш борасида тинимсиз изланаётгани қувонарлидир.

Хусусан, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг «Асака» банки билан биргаликдаги ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, шу йил май ойидан бошлаб Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналаримизни юртимиздаги барча автомобиль ишқибозларига банк кредитлари ҳисобига сотиш тартиби ишлаб чиқилгани ва бу ташаббус ҳозирданоқ изчил амалга оширилаётгани, шакшубҳасиз, мамлакатимиз автомобиль бозоридаги жиддий янгиликдир.

Кредитга машина харид қилиш тартибига кўра харидор автомобильм нархининг 60 фоизини олдиндан тўлайди, кейин икки йил мобайнида йилига 20 фоиздан тўлаб бориш ҳисобига банкдан олган кредитини қоплайди.

Бундай ташаббуснинг афзалликлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Аввало, кредитга машина олиш тажрибаси муайян сабаблар туфайли бир йўла тўлиқ нархини тўлаб автомобиль харид қилиш имконига эга бўлмаган кишиларимизга катта қулайлик яратади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тегишли факт ва рақамлар билан танишиш кифоя, деб ўйлаймиз. Қуйидаги 1-жадвалда шу йил май ойида ички бозорда автомобиль сотиш бўйича эришилган натижалар тўғрисидаги маълумот келтирилмоқда:

| Минтақа | 2003 йилнинг дастлабки беш ойида сотилгани (дона) | Шу жумладан 2003 йил май ойида сотилгани | Шундан аҳолига банк кредити бўйича сотилгани | Кредитга сотилгани эвазига тушган маблағ миқдори (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 246 | 113 | 28 | 229262,1 |
| Андижон вил. | 1743 | 410 | 150 | 1 166 027,8 |
| Бухоро вил. | 656 | 231 | 30 | 229 520,0 |
| Жиззах вил. | 172 | 54 | 25 | 189 679,0 |
| Қашқадарё вил. | 141 | 80 | 47 | 379 269,2 |
| Навоий вил. | 289 | 126 | 55 | 395 124,6 |
| Наманган вил. | 308 | 120 | 43 | 350 735,5 |
| Самарқанд вил. | 192 | 92 | 33 | 306 426,5 |
| Сурхондарё вил | 307 | 146 | 73 | 549 545,0 |
| Сирдарё вил. | 136 | 52 | 28 | 233 601,1 |
| Тошкент вил. | 333 | 82 | 24 | 217 798,9 |
| Фарғона вил. | 738 | 276 | 88 | 753 989,9 |
| Хоразм вил. | 188 | 56 | 30 | 235 332,7 |
| Тошкент шаҳри | 1177 | 830 | 167 | 1 573 902,9 |
| **Жами** | **6626** | **2694** | **821** | **6 539 882,3** |

Қайд этилганидек, кредитга сотиш тартиби жорий этилгач, май ойида мамлакатимиз ички бозорида сотилган автомобилларнинг умумий миқдори 2694 тани ташкил этган. Бу, ўз навбатида, ўтган ойдаги кўрсаткичдан 30 фоиз кўп, демакдир.

Айтиш жоизки, машиналарни кредитга сотиш ташаббуси, ўз-ўзидан, мамлакат банклари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди. Бу эса истеъмолчи, харидор, демакки, фуқароларимиз манфаатларига йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунияти, таъбир жоиз бўлса, хислатидир.

Ҳозирги вақтда юртимиздаги 14 та банк муассасаси ўз молия маблағларини машина сотиб олиш учун аҳолига кредит беришга жалб этмоқда. Банкларимизнинг бу борада май ойида эришган натижалари қуйидаги 2-жадвалда яққол кўринади:

| Банклар номлари | Банк муассасалари кредитлари бўйича сотилган автомобиллар миқдори (дона) |
|---|---|
| Асака" банки | 538 |
| Ҳамкор банк | 81 |
| "Ўзсавдогарбанк" | 37 |
| "Ўзуйжойжамғармабанк" | 32 |
| Халқ банки | 29 |
| "Ўзтадбиркорбанк" | 24 |
| Универсиал банк | 7 |
| Узприват банк | 6 |
| "Ўзмиллийбанк" | 5 |
| Турон банк | 4 |
| Траст банк | 4 |
| Ўктам банк | 4 |
| Алоқа банк | 3 |
| Буюк Ипак Йўли банки | 2 |
| Жами | 821 |

Бунда «Асака» банкининг кўрсаткичи алоҳида эътиборга лойиқ экани кўриниб турибди. Мазкур молия муассасаси кредитлари бўйича кўрсатилган муддатда қарийб 600 та автомобиль харид қилинган. Бошқа банклар кредитлари ҳисобига жами 220 тадан зиёд машина сотилган.

Кредитга машина сотишнинг яна бир афзаллиги шундаки, у миллий валютамизнинг янада мустаҳкамланишига, маблағларнинг айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Кишиларимизнинг машина харид қилиш имконияти енгиллаштирилгани туфайли май ойидаёқ улар жамғарган маблағлар ҳисобидан қўшимча 3 миллиард сўм нақд пул мамлакат иқтисодиётига жалб этилгани бунинг яна бир далолатидир.



Кредит бўйича савдодан тушган маблағлар жойларда бюджет ташкилот ва корхоналари ишчи-ходимларига маош тўлаш,

пенсионерларга нафақа бериш учун сарфлаётгани назарда тутилса, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари кредитга машина сотиш усулини доимий эътиборда сақлаши, ҳаттоки, қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқ экани ўз-ўзидан равшанлашади.

Ҳозир банк кредити ҳисобига машина сотиш бўйича Тошкент шаҳрида (1 миллиард сўмдан зиёд), Андижон (1 миллиард сўмдан зиёд), Фарғона (600 миллион сўмдан зиёд) ва Сурхондарё (500 миллион сўмдан зиёд) вилоятларида, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришилгани эътиборга моликдир.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини уйғотиб юборган бу замонавий корхона - «ЎзДЭУавто» тегишли ҳамкорлари билан биргаликда таклиф этган ўз машиналарини кредитга сотиш ташаббуси ҳамюртларимиз учун ниҳоятда қулайлиги, ҳаммабоплиги ва фойдали экани билан тез эътибор қозонмоқда ва ҳаётга тобора изчил татбиқ этилмоқда.

Бу ташаббус, биринчи навбатда, зикр этилганидек, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, одамларимизнинг келажакка ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан хайрли, айни чоғда, кенг қўллаб-қувватлашга муносибдир.

**Ғулом МИРЗО**
**ЎзА шарҳловчиси**

### ● Ҳар кимки ёмон бўлса...

# ҚАШҚИРНИНГ СЎНГГИ ОВИ...

**Одам боласи бандасига хос турли иллат ва камчиликлардан холи бўлолмас экан. Йўқса, туппа-тузук, обрў-эътиборли кишиларнинг қўрқув исканжасида кўра-била туриб, касби-корининг тайини бўлмаган, бетайин, ёвуз кимсаларнинг тегирмонига сув қуйиб ўтирганини қандай баҳолаш мумкин? Тўғри, ҳар ким ҳам аввало ўз тинчи, оиласи ва фарзандларининг омонлигини ўйлаб яшайди. Лекин ёвуз кимсаларнинг қабиҳ ниятлари вақтида фош этилиб, фожиа илдизига болта урилмаса, у чуқур илдиз отиб, аянчли оқибатларга сабаб бўлиши шубҳасиз. Буни Хоразм вилоятида содир бўлган қабиҳ бир жиноят тафсилоти ҳам тасдиқлаб турибди.**

Ҳозарасплик Юсупбой Султонов баъзи одамлардаги худбинлик майлларидан устамонлик билан фойдаланиб, мўмай пул топишга одатланган эди. Тайинли бир касбнинг бошини тутмаган, ёши элликларни қоралаб қолган бу кимса "қўймижозлар бор экан, биз қашқирларнинг пичоғимиз ҳар доим мой устида бўлаверади" деган бузғунчи хаёл билан яшарди.

Бундай қараш анчагача панд бермай келди. Қайга бормасин, ҳамиша ошиғи олчи эди. Ҳамма у билан ўйлаб муомала қиларди. Ахир, катта бир тумандаги манаман деган мансабдор ва бойваччалар "Хўш, Юсупбой оға, бизга нима хизмат?" дея ялтоқланиб тургач, бошқалар бўйсинмай қайга борарди, дейсиз?

Юсупбойнинг аллақандай гуруҳларга бош бўлиб, айтган сўзи тошни ҳам "кесиши" кўп қатори қавм-қариндошлари учун ҳам сир эмасди. Шу боис 1998 йилнинг ёз кунларидан бирида Юсупбойнинг уйига қайниси Б. Хўжаев ташриф буюриб, арз қилиб қолди:

- Почча, бир тадбиркор йигитга 120 минг сўм пул берган эдим. Қайтариб олишнинг сира иложи бўлмаяпти-да. Ана бераман, мана бераман, деб жуда қон қилиб юборди, аблаҳ. Шунга ўзингиз бир ёрдам берсангиз...

- Шу арзимаган пулни ҳам ололмай юрган бўлсанг, билмадим, нима дейиш керак сенларга, - деди почча қайнисининг бўшлигидан бироз жаҳли чиқиб. - Пулни қандай қилиб қайтариб олишни, мана, мен кўрсатаман сенга. Қани, кеч тушсин-чи, ўша валломатнинг олдига олиб борасан мени.

Борлиққа тун қоронғиси чўккач, худди келишилганидек, қайниси қозилик қилишга отланган поччани ўзининг "Волга"сига миндириб, қарздор А. Ваисов яшайдиган "Хоразм" жамоа хўжалиги томон йўл олади. Етиб келишгач, қайнука А. Ваисовни уйидан чақириб чиқади ва улар яна йўлга тушади. "Волга" бу дафъа кимсасиз бир жойда тўхтайди. Йўл бўйи чурқ этмай, қовоғи уйилган ҳолда келган Юсупбой кутилмаганда "Олимпик-6" русумли старт тўппончасини чиқариб қарздорнинг кўкрагига қадайди.

- Менга қара, ҳой муттаҳам, қачонгача олган қарзингни қайтармасдан бировларни лақиллатиб юрасан?- Унинг овози аллақандай таҳдидли эди. - Энди бу номеринг ўтмайди. Сенга икки кун муҳлат. Агар олган пулингни икки баравар қилиб қайтармасанг, жонингдан умидингни узавер. Шуни ҳам эсингда тут, менинг хизмат ҳақим учун ҳам 20 минг тўлайсан.

Тўппончани кўрганданоқ дағ-дағ титрашга тушган А. Ваисов бу талабларни қулоқ қоқмай бажаришга рози бўлди.

Орадан икки кун ўтиб, А.Ваисов олиб келган 260 минг сўм пулни Юсупбойнинг қўлида кўрган қайниси поччасига яна бир бор ич-ичидан тан берди.

Аслида бу вақтга келиб Юсупбойга кўплар тан бера бошлаган эди. Гиёҳвандлик моддалар олди-сотдиси билан шуғулланаётган ва уйида бангихона ташкил қилган айрим кимсалар уни ўзларига ҳимоячи деб билар ва тегишли улуш ҳам ажратиб турарди.

Юсупбой деярли кунора ўзи тузган жиноий гуруҳ аъзолари билан туман бўйлаб қашқирдай изғиб, турли корхона раҳбарлари ва тадбиркорларни "Уйингга ўт қўяман, уруғингни қуритаман", деб қўрқитар, товламачилик йўли билан ўзгалар мулкини талон-тарож қилар эди. Бундай товламачиликларни амалга оширишда муқаддам босқинчилик, қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этиб, жазони ўтаб чиққан Алланазар Қурбонов, айниқса, алоҳида ажралиб турар эди. Жиноятчилик оламида "Бабис" деб юритиладиган бу кимса ўзининг раҳмсиз ва бешафқатлиги билан танилган эди.

- Бабис - менинг энг яқин кўмакчим, - деб такрорлашни хуш кўрарди Юсупбой гуруҳ йиғинларида. - Унинг қаҳри қаттиқлиги бойлик топиб, ақл топмаганларни тез-тез ҳузуримга бош уриб келишга мажбур қилади.

Юсупбой Бабисга баҳо беришда янглишмаган эди. 2001 йилнинг февралида Бабис "хўжайин"га "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Каримбой Абдуллаев ва унинг турмуш ўртоғи Саодат Тиллаевалар анчадан буён савдо-сотиқ билан шуғулланаётгани, уларнинг уйида кўп миқдорда пул ва қимматбаҳо буюмлар бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот келтиради. Энг асосийси, агар улар ушбу хонадонга кечаси бостириб борса, Абдуллаевларнинг собиқ куёви бўлмиш Раҳимбой Бобожонов ҳам ёрдам беришга тайёр эканини айтади.

Бабис томонидан тайёрланган бу маккор режа Юсупбойга маъқул келгач, 28 февралдан 1 мартга ўтар кечаси соат иккида жиноий гуруҳ ёвуз режани амалга оширишга шайланади. Улар гиёҳванд моддалардан истеъмол қилиб, тўппонча, пичоқ, тугмачали пичоқ ҳамда бир дона ниқоб билан қуролланиб, С.Исломовга тегишли "Тико" машинасида Абдуллаевларнинг уйи томон йўл олади.

Босқин пайтида Бабис тузган режа жуда қўл келади. Хонадон соҳиби Каримбой ака бемаҳалда эшик қоққан собиқ куёвини таниб, ҳеч қандай шубҳа-гумонга бормай дарвоза зулфини туширади. Панада пойлаб турган жиноий гуруҳ бундан фойдаланиб, оч қашқирлар галаси каби ўзини ичкарига уради. Бабис қўлидаги тўппонча дастаси билан нима бўлаётганини билмай довдираб қолган Каримбой аканинг бошига кетма-кет уради.

- Пуллар қаерда? Қимматбаҳо буюмлар қани?! - деб ўшқиради кўзи қонга тўлган талончи.

Кучли тепкилар зарбидан аллақачон ерга қулаган Каримбой аканинг тили калимага келмасди.

Ҳалигина истеъмол қилинган заҳри қотил таъсирида босқинчилар бутунлай қутуриб кетган эди. Дафъатан шовқин-сурондан уйғониб ҳовлига югуриб чиққан уй бекаси Саодат опа жон ҳолатда қоп-қора қонга бўялиб ётган турмуш ўртоғининг ҳимоясига ташланади.

- Эй худо, бу не кўргулик?! - дея бақириб юборди Саодат опа. Сўнгра ўзи билмаган ҳолда босқинчиларга беҳуда ёлвора бошлайди. - Уйда нимаики бўлса, барини олинглар. Фақат бизларга тегманглар, барака топкурлар...

- Доллар қани? Тиллаларни қаерга яширгансан, гапир! Бўлмаса, ҳаммангни биттамабитта сўяман... - Бабис қабиҳ ниятини амалга ошириш ўзига чўт эмаслигини кўрсатиш учун Каримбой аканинг дуч келган жойини чавақлай кетади.

Бу хунрезликдан гангиб қолган Саодат опа уввос тортиб юборади. Унинг қичқириғи қотилни хушёр торттирди. Аёлнинг овозини ўчириш учун у томонга отилди. Шу топда уйдан чиқиб, ёрдамга шошилган ногирон йигит Фозилнинг ҳаётига ҳам ота-онасининг қонига бўялган шу пичоқ зомин бўлади.

Бу пайтда Юсупбой ташқарида рўй бераётган қиёмат қойимдан беҳабар ҳолда тинчгина ухлаб ётган Наргиза Абдуллаевани уйғотиб, сўроққа тутар, қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган бечора қизни уриб-тепкилаб сўкар эди. Охири, ундан жўяли бир жавоб ололмаслигига кўзи етгач, гувоҳ қолдирмаслик учун унинг ҳам кўксига пичоқ санчиб ўлдиради. Қонхўрликдан баттар қутурган қотил бойлик илинжида ҳаммаёқни остинустун қила бошлайди. Қўшни хонада беозоргина ухлаб ётган икки нафар норасида бола - эндигина ўн баҳорни қаршилаётган Тожибой Каримбоев ва олти яшар Отабек Қурбоновларни кўриб ҳам кўнглида заррача раҳм-шафқат учқуни пайдо бўлмайди. Беш фарзанднинг отаси бўлса-да, бу норасидаларнинг жонига қасд қилиш гуноҳи азим эканини хаёлига ҳам келтирмаган ёвуз қотил қўлидаги тўмтоқ темир ва пичоқ билан ҳимоясиз ва ожиз болаларнинг дуч келган жойига аёвсиз ура бошлайди. Тунги ширин уйқудан ҳали уйғониб ҳам улгурмаган икки нафар мурғак вужуднинг ҳаётга тўймаган кўзлари шу тарзда мангуга юмилади.

Юсупбой қонхўр шериги Алланазар билан биргаликда хоналарни, сандиқ ва шкафларни бирма-бир ағдариб, неча кундан буён бутун хаёлини банд қилиб келаётган ўлжани излайди, лекин ҳеч нарса тополмайди. У қўлига илинган 25 минг сўмлик бир жуфт тилла сирға ва 75 минг сўмни - олти нафар одамнинг умрига зомин бўлган бир парча буюм билан бир даста пулни - шоша-пиша чўнтагига жойлар экан, Алланазарга буюрди:

- Бабис, барча мурдаларни битта хонага тўплаб, дарров ёқиб юбор. Бирон бир из қолмасин. Қани, бўл тезроқ!

Ўзи эса қурбонлардан бирортаси тирик бўлса, ҳушига келиб, ҳовлига чиқиб кетмасин, деган хавотирда гуриллаб ёна бошлаган хонани ташқаридан зичлаб беркитишни ҳам унутмайди.

Қотилларни кўчада "Тико" машинасида С. Исломов ва Р. Бобожонов кутиб турарди.

- Ҳайда, машинани. Иш ўхшамади, фақат ўлим бўлди. Энди ҳамманг оғзингга эҳтиёт бўл! - деб уқтиради Юсупбой машинага ўтираркан, атрофга аланг-жаланг боқиб.

"Ўлим бўлди" деган совуқ хабарни эшитиб, Раҳимбойнинг ичидан зил кетди. Лекин буни ҳеч кимга сездирмади. Шу топда бу ноинсоф, нонкўр йигит ўз қилмишидан ўзи ҳам озор чекиши - пушти камаридан бўлган ўғли Отабек ҳам айнан мана шу қотиллар қўлида ҳалок бўлганидан бехабар эди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, деганлари шу экан-да.

Эртаси куни тонгда бу мудҳиш фожиадан хабар топган қавм-қариндош, қўни-қўшни бир йўла олти нафар жасаднинг устидан чиқиб, аччиқ-аччиқ фарёд чекди. Бундай ваҳшийликка қўл урган нобакорларни қарғаб, қон йиғладилар. Орадан икки кун ўтар-ўтмай қотилларни мазлумларнинг кўз ёши тутди. Уларнинг ҳаммаси бирин-кетин ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди ва барча ёвуз қилмишлари тергов давомида ўз исботини топди. Суд қотилларни ўлимга, уларнинг гумашталарини эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этди.

Мазкур фожиа бўйича чиқарилган суд ҳукми турли давраларда, жумладан, маҳалла фаоллари йиғинларида бир неча бор муҳокама этилди. Инсон деган шарафли номга номуносиб иш тутган манфур кимсаларнинг қисмати енгил-елпи турмушни орзу қилиб юрганлар учун сабоқ бўлиши, ҳаётимизда эзгулик барқарор бўлиши учун доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш лозимлиги таъкидланди.

Шу ўринда бизни бошқа бир муаммо ўйлантиради. Хўш, бу мудҳиш фожианинг олдини олиш мумкинмиди? Неча йиллар давомида жиноий гуруҳга раҳбарлик қилиб келган Юсупбойнинг оилавий аҳволи, юриш-туриши, кимлар билан олди-берди қилиб юрганидан наҳотки қўни-қўшни ва жамоатчилик бехабар бўлган бўлса!? Бу ёвуз кимса босар-тусарини билмай, казо-казоларга ҳукмфармолик қилиб юрганида, нега ҳеч ким унинг йўлини тўсмади, тегишли идораларларга мурожаат қилиб, унинг қилмишлари ҳақида бонг урмади? Тумандаги бир қатор давлат идоралари раҳбарларининг жиноятчилар ноғорасига ўйнаб, уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаб турганини қандай изоҳлаш мумкин?

Албатта, буларнинг барчасига одам боласига хос бўлган қусур - лоқайдлик, фақат ўз манфаатларини ўйлаб, ўзим тинч юрсам, бўлди-да, деган худбин бир кайфият сабабчи, деб қўя қолсак ҳам бўларди. Лекин қачонгача бундай тасқинлар билан ўзимизни овутамиз. Ахир, бу йўл билан муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Жиноятчиликка барҳам бериш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун эса барчамиз эзгулик ва адолат тантанаси учун курашишимиз, бу йўлда пайдо бўладиган ёт ва зарарли иллатларга вақтида зарба беришимиз лозим. Ўйлаймизки, юқоридаги фожианинг аччиқ сабоғи бу борада тўғри хулоса чиқариб олишга ёрдам беради.

**Сирожиддин РАУПОВ,**
**ҳуқуқшунос журналист.**

**Муносабат:**

"Қабоҳат", 2003 йил 23 апрел

## ҲАМ ЎЙЛАНДИМ, ҲАМ УЯЛДИМ!

**Очиғи, бу мақолани қайта-қайта ўқидим, икки кеча ухлолмай чиқдим: инсон боласининг шундай ваҳший бўла олишидан ҳайратландим, нафс балосига учраб шу куйга тушгани учун ундан нафратландим.**

**Бир она-боланинг ҳаёт чироғини ёвузларча сўндириб, бир оилани парокандада қилган ўша малъунлар - Дилшод Кулонов ва Неъматилла Ўроловлар ҳар қандай оғир жазога лойиқ, менимча.**

**Воқеа тафсилотлари кўз ўнгимдан ҳамон кетмаяпти. Афсуски, ёшларимизни асрашга қанчалик уринмайлик гиёҳвандлик тўрига илинганлари улар орасида учраб туради. Бу балои офат нафақат ўз тузоғига илинган кишига, балки унинг яқинлари, маҳалладошларига ҳам кулфат келтирмоқда. Шу ўринда ҳар бир ёшнинг тақдирида биз катталарнинг уларга бера олаётган тарбиямиз, диққат-эътиборимиз ўта муҳим, биз ўйлагандан ҳам муҳимроқ эканини қайта-қайта таъкидлашни истардим. Зеро, фарзандларимиз ичида шундай ваҳшийликка қодир бўлган ноқобилларнинг борлиги ҳаммамизни ўйлантирадиган, уялтирадиган ҳолатдир.**

**Холдарали СИДДИҚОВ,**
**Фарғона вилояти Учкўприк тумани Яккатут маҳалласи оқсоқоли.**

# Наманган: Обод маҳалла йилида

**Наманган вилояти марказига киришингиз биланоқ ободончилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар диққатингизни тортади: турар-жой бинолари, коллежлар, спорт ўйингоҳлари ва ҳоказолар. Республикамизда шакл-шамойили ягона фавворaларни кўриб, кўзингиз қамашади. Қадамба-қадам учрайдиган гулзору хиёбонлар бутун вужудингизни завқу шавққа тўлдиради. Маҳалла гузарлари атрофи ҳам шундай.**



МАҲАЛЛАМИЗДА:

## БИР ЙИЛДА ЖИНОЯТ ДЕЯРЛИ ЙЎҚ

**Маҳалламизда 11 нафар посбон фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини сақлашга масъул. Улар маҳалла таянч пункти нозири, милиция старшинаси Дилшод Орзибоев билан ҳамкорликда ўз постларида ҳушёр ва сергак турибдилар.**

Ҳар бир кўчага 3 нафардан посбон бириктирилган. Туманимиз Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлганлиги учун ҳам биздан икки-уч баравар кўп масъулият талаб қилинади. Биз буни тўғри тушунамиз ва шунга яраша фаолият юритяпмиз. Нотаниш, шубҳали кўринган кишилардан унинг шахсини аниқлайдиган ҳужжат талаб қиламиз. Ўтган йилги бир ҳодисадан мисолга келтириш мумкин. Яъни, маҳалламизга ўғрилар оралаб қолди. Бир кишининг 8 та қўйи номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. Посбонларимиз кечаю кундуз улар изига тушишга ҳаракат қилишди. Ва ниҳоят, чувалашган ипнинг учи топилди. Икки нафар ўғриликда гумон қилинган киши милиция таянч пунктига топширилди. Суриштирувлар уларни айбдор эканлигини тасдиқлади.

Баъзан хонадонларда уй соҳибининг мастлиги оқибатида келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Бундай пайтда таянч пункти нозири ёки маҳалла фуқаролар йиғини яраштириш комиссияси хабардор қилинади.

Муқаддам судланганлар билан вақти-вақти билан суҳбатлар уюштириб турамиз. Масалан, шундайлардан 4 нафарини ишга жойлаштиришда кўмаклашдик. Диний ақидапарастликка мойил ёшлар ҳам йўқ эмас. Улар ҳар доим назоратда.

Маҳалланинг педагог - тарбиячиси билан ҳам ҳамкор, ҳамфикрмиз. Фикримизча, жисмоний тарбия ва спорт билан ёшлар қанча кўп шуғулланса-шунча яхши. У қанчалик оммавийлик касб этаверса,тартиббузарлик ҳам шунчалик барҳам топаверади. Кейинги бир йил давомида ҳудудимизда бирорта жиноят иши қайд қилинмагани ана шундай тадбирларимизнинг натижаси бўлса керак, деб ўйлайман.

**Ҳусанбой ЗОКИРОВ,**
**Уйчи тумани Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини Қашқар маҳалласи посбонлари сардори.**

**Олимжон НУРИДДИНОВ,**
**Наманган вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси**



Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг туб ислоҳотлари ҳар бир раҳбардан қўшимча манба ва имкониятлар излаб топишни талаб этмоқда. Ана шу йўлдан изчил ва оғишмай бораётганлар ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кўзлаган мақсадларига эришяптилар. Биз ҳам шу йўлни танлаб, янглишмадик. "Обод маҳалла йили" Дастурида белгиланган тадбирларни бажаришга киришишдан олдин ҳам худди шундай қилдик. Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, вилоят, шаҳар ва туман Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмаларининг мақомини кўтариш, ваколатларини кенгайтириш бўйича шаҳар ва туманлардан кўплаб таклифлар олинди.

Республикамиз Президентининг 1998 йилдаги "Тўй-маросимларни тартибли ўтказиш тўғрисида" ги Фармони ҳамда "Обод маҳалла йили" Дастури мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш, шунингдек, ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан изчил иш олиб борилди. Жумладан, амалга оширилган тадбирлар бўйича кўргазмали семинарлар ўтказилди, оқсоқоллар ва фаоллар билан ўзаро тажриба алмашишга бағишланган мулоқотлар уюштирилди. Тўпланган илғор тажриба ва ибратли иш услублари умумлаштирилиб, амалиётга йўналтирилди. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Республика Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви ҳамкорликда ишлаб чиққан тавсиялар айниқса, қўл келди. Уларнинг самараси ўлароқ тўю тантаналар ва бошқа маросимлар ихчам, ортиқча сарф-харажатсиз, исрофгарчиликсиз ўтишига эришилмоқда. Албатта, бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас. Чунки қўйилган вазифани тугал бажариш учун икки-уч ой кифоя қилмайди.Сабаби фуқаролар онгига ўрнашиб қолган замонамизга хос бўлмаган урф-одатларни бирданига йўқотиш қийин. Бунга маълум вақт талаб қилинади. Жойлардаги йиғин раислари ва фаолларимиз буни яхши тушунган ҳолда иш юритмоқдалар. Муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу саъй-ҳаракатлар ҳозирги кунда ўз самарасини бераётир. Бунга ўтказган қуйидаги тадбирни мисол қилиб кўрсатса бўлади: вилоят "Экосан", "Соғлом авлод" жамғармалари, вилоят ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси,соғлиқни сақлаш бошқармаси, телерадиокомпания билан ҳамкорликда уч босқичли "Энг обод маҳалла" кўрик танлови ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад Юртбошимиз айтганидек - нафақат маҳалларни обод қилиш, балки одамларнинг маънавий дунёсини ҳам обод қилишга эришишдан иборат эди.

Биринчи босқич якунлари ушбу мақсадимизни рўёбга чиқариш мумкин эканлигидан далолат берди ва баҳслашувларда Давлатобод туманидаги Янги тонг маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб бўлди.

Президентимизнинг Республикада оилавий ва болалар спортини ривожлантириш борасидаги ғамхўрликларига жавобан талайгина эзгу ишлар амалга оширилди ва бу жараён яхши суръат билан давом этмоқда. Мазкур тадбир шуниси билан муҳимки, агар бу соҳада белгиланган режалар кўзда тутилганидек амалга оширилса, демак, биз соғлом авлодни дунёга келтириш ишига муносиб улуш қўшган бўламиз. Фикримизни бир мисол билан далиллаcак: Давлатобод туманидаги Тўқувчи маҳалласи фуқаролар йиғинининг ўз стадиони бор. Кўп қаватли уйларнинг ҳар бири ўз ўйингоҳига эга. Маҳалла қошида ташкил этилган "Алания" клуби фаолиятини вилоят бўйича ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Бу ерда қизғин спорт машғулотларидан кейин мириқиб дам олиш учун барча шароит муҳайё қилинган.

Биз оилавий спортни тезроқ оммавалашувини истаймиз. Шу ниятда вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликда "Отам, онам ва мен-спортчилармиз" шиори остида спорт мусобақаларини ташкил этдик. У биз кутгандан ҳам қизиқарли ва эсда қоларли ўтди. Олдинги ўринларга лойиқ топилганлар қимматбоҳо совғалар билан тақдирланди.

Умумхалқ байрами-"Наврўз" тадбирлари барча маҳаллаларни қамраб олди. Бу йилгисининг ўтган йиллардагидан фарқи шунда бўлдики, асосан кам таъминланган оилалар, кексалар, ногиронлар, хуллас, эҳтиёжманд кишилар байрам дастурхонига таклиф этилдилар. Жамғармамиз, ташкилотлар, тадбиркорлар ҳисобидан шундай оилаларнинг 112 нафар фарзандининг хатна тўйи, қирқдан ортиқ никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. 200 дан зиёд вояга етмаган болаларга омонат дафтарлари очилди. Бизнинг тизим орқали 200 минг сўмдан ошиқроқ моддий ёрдам кўрсатилди. Бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида эса, кўпгина масканларимизнинг санитария ҳолати яхшиланди, гулларга бурканди ва янада ободонлашди.

Шунингдек, туманда вояга етмаган ёшларни касб-ҳунарга "Усто-шогирд" ҳаракатига эътибор кучайтирилди. Натижада бугунги кунда 270 нафар вояга етмаган ўғил-қизнинг турли касб-ҳунар билан бандлиги таъминланди.

Диний ақидапарастлик оқимларига адашиб кириб қолган қилмишларидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтганлиги инобатга олиниб, Президентимиз эълон қилган амнистия асосида жазодан озод қилинган фуқаролар билан маҳаллаларда суҳбатлар ташкил қилинди, уларга Президентимиз томонидан оқилона ва бағрикенглик билан олиб борилаётган сиёсат моҳияти тушунтирилди. Шунингдек, маҳалла ҳудудларида жойлашган жоме масжидларида турли оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларни амнистия асосида жазодан озод этилганлиги хусусан, уларнинг ғояси соф ислом дини таълимотига зид эканлиги кенг тарғиб қилинмоқда. Қисқаси, жамғармамиз ҳамда унинг шаҳар, туман бўлинмалари ушбу йилда асосий фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича иш юритиб, фуқаролар ва бошқа жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар тузилмалари ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда иш олиб бораверади.

●Тўқувчи маҳалласида:

**Давлатобод туманидаги Тўқувчи маҳалласи фуқаролар йиғини асосий эътиборни тинчлик ва осойишталикни сақлаш, тартиббузарликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда болалар спортини ривожлантиришга қаратиб янглишмади. Бунинг самараси ўлароқ ўтган йили биронта жиноят содир этилмади. Йиғин милиция таянч пункти ходимлари маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда кенг кўламли тадбирларни амалга оширдилар. "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловида Тўқувчи маҳалласидаги милиция таянч пунктини 1-ўринга лойиқ, деб топилди.**

**Суратда: Наманган вилояти ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Т.Жабборов ғолиб милиция таянч пункти профилактика нозири Ш. Мукаррамовга "Тико" автомашинаси калитини топширмоқда.**

## БИЗДАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЧИҚҚАН

**Ҳудудимизда 2 та спорт муассасаси бор. Жами 34 та кўп қаватли уйлар олдида болалар ўйингоҳлари болалар ихтиёрида.**

Шу йилнинг 23 апрелида маҳалла стадионида "Отам, онам ва бизлар" оилавий спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Ҳудудимизда спорт коллежи жойлашган. Ушбу ўқув маскани билан ҳамиша яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Унинг спорт залларидан унумли фойдаланамиз. Бу ерда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Шу боис коллеж талабаларидан Сергей Сирдцев оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони унвонига эга бўлган. Гимнастикачи Катя Кремлёва эса Сиднейдаги олимпиадада мамлакатимиз терма жамоаси таркибида майдонга тушган.

Узоққа бориб ўтирмайлик, яқинда Урганчда ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида маҳалламиздан 21 нафар ўғил-қиз қатнашиб, улардан 5 нафари медал олишга сазовор бўлди.

**Моҳинисо ИСМАТОВА,**
**Давлатобод тумани Тўқувчи маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

## ГАЗ-ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

**Чортоқ тумани газлаштириш идораси Короскон қишлоғида аҳолисининг хонодонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишни тезкорлик билан олиб бормоқдалар.**

Чунки, қишлоқ аҳолиси энг зич жойлашган қишлоқлардан ҳисоблангани учун ҳамда газдан тўғри фойдаланмаслик оқибатида қишки мавсумда газ етишмаслигидан кўплаб шикоятлар бўлар эди.

Бу ишларда Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллиги Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аъзимжон Кўпаев ташаббус кўрсатиб, ширкат хўжалигининг аъзоларига ҳам амалий ёрдам бермоқда.

Чортоқ тумани бўйича эса 50 дан ортиқ пайвандчилар бригадалари тезкорлик билан бу ишларни бажармоқдалар.

Тўрахон ҲАМЗАЕВ

●Элим, юртим деганлар

## СУЛТОНХОН МУАЛЛИМНИНГ ЎҒЛИ ГУЗАР ҚУРДИ!

**Поп туманида Хўжаобод қишлоғи бор. Бугун бу қишлоқда замонавий қилиб қурилган, барча қулайликларга эга гузар маҳалла аҳлининг шодиёна ёки бошқа тадбирларини ўтказиш учун жуда асқотмоқда.**

Бу ҳашаматли гузарни қишлоқ мактабида кўп йиллар ўқитувчилик қилиб, ҳалол меҳнат қилган Султонхоннинг зурриёди, бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаётган Каримхон Оппоқхўжаев ўз ҳисобидан қуриб берган. Султонхон ака ҳаётдан эрта кўз юмган, уч ўғил-қизнинг тарбияси оила бекаси Ҳидоятхоннинг зиммасида қолганди. Она фарзандларини не заҳматларда катта қилди, ўқитди. Мана бугун, Ҳидоятхон ая фарзандлари иззатида, пиру бадавлат яшамоқда. Энг муҳими, бу оила фарзандларининг эл-юртга, маҳалла-кўйга ҳам хизмати сингмоқда. Маҳалла кишилари ҳар гал «Султонхон» номли маҳалла гузари ёнидан ўтганда, Каримжонни «Отангга балли!» дея алқайдилар.

**М.МУСУЛМОНОВ.**




**Наманган шаҳридаги Гулбоғ маҳалласининг бошқа маҳаллларга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган жиҳатлари кўп. Шулардан бири - бу ерда тўй ва маърака маросимларини ортиқча дабдабаларсиз, камчиқим ва камтарона ўтказиш борасида қилинаётган тушунтириш ишларидир.**

***Суратда: Гулбоғ маҳалласида айнан шу мавзуга бағишланган семинар пайти.***

# Олам турфа



### ЭГИЗАК-ЭГИЗАКДА

**Англиянинг Уэмут шаҳрида яшовчи 17 ёшли эгизаклар-Жонати ва Жейсон Флойд бир вақт қоринларининг ўнг томонида оғриқ сезишди, кўнгиллари айниб ўқчий бошладилар.**

Тезда чақирилган шифокор кўр ичак деб топди. Биринчи бўлиб чарроҳлик столига Жонати ётди. 24 соатдан кейин эса аксидан 500 километр узоқда-бошқа шаҳарда бўлган Жейсоннинг кўричагини олиб ташлашди.

### НОЁБ ИСТЕЪДОД ЭГАСИ

**Колумбиянинг Арина шаҳри аҳолиси 16 ёшли Фульхенсио Аугусто Мендерес билан фахрланишади.**

Йигитча нимаси билан ҳамшаҳарларни қойил қолдирган экан, деб ўйлаётгандирсиз? Мендарснинг бўйи 177 сантиметр, вазни 70 кило бўлган ҳолда, эртаклардагидек эгилувчан қобилиятга эга. Бу узоқ йиллар давомида машқлар самарасидир. Аугусто бемалол 50 литр сув кетадиган бочкага сиғади, гавдасини шар ҳолатига келтирганда, томошабинлар лол қолишди. Бу ҳам майли худди

мушук сингари 12 сантиметрлик тешикдан ўтганига нима дейсиз?

### ЮРАККА САНЧИЛГАН ИГНА

**Колумбиялик Хосье Кастильо юрагига санчилган игна билан 48 кун яшади.**

Воқеа бундай бўлган эди: бир куни Хосе тикув игнасини кстюмининг ички чўнтагига солиб қўйди, уни олиб бошқа жойга қўйишни унитиб, ухлаб қолди. Эрталаб чап кўкрагида қаттиқ оғриқ билан уйғонди ва тез дўхторга учради. Хосе нима гаплигини шифокорга айттач, улар синчиклаб текширишди, бироқ тиббий асбоблар ёрдамида-да, ҳеч нарса аниқлашаолмади. 20 кун даволашгач, касалхонадан чиқаришди. Аммо Хосе оғриқдан қийналиб юраверди. Улар яна ўша «асаб бузилиш» деган ташхисни қўйишди. Яхшиямки унинг қариндошлари уни бошқа дўхтирларга кўрсатишди. Шундай қилиб Хосе 48 кун деганда юрагидаги игнадан операция ёрдамида қутилди.

●Тадбиркорлик ва янги иш ўринлари

## ҚИШЛОҚДА "ШАРҚ ГЎЗАЛИ"

**Шу йилнинг апрел ойи охирлари эди. Қишлоғимизда "Обод маҳалла йили" дастури доирасида "Ёш оилалар билан ишлаш ва маҳаллада ёшларга иш ўринлари яратиш" мавзуида вилоят миқёсида семинар бўлиб ўтди.**

Тўғрисини айтсам, бундан кўнглимиз кўтарилди. Демак, тадбиркорликни ривожлантириш ва шу асосда янги иш ўринларини очишдаги саъй - ҳаракатларимиз, изланишларимиз зое кетмабди. Семинарда шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, мазкур соҳага дахлдор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Улар дастлаб ибратли оилалар ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишилар ишлари билан танишдилар. Еттита маҳалламизда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга холис баҳо бердилар. Қуйи Ровустон маҳалласида фаолият кўрсатаётган "Шарқ гўзали" ўқув маркази айниқса, иштирокчиларни қизиқтириб қолди. Марказ ўғил-қизларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича вилоятга танилган эди. Марказга раҳбарлик қилаётган олима, НамДУ доценти Замирахон Жамолова эса, ўтган йили Американинг халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан таъсис этилган кичик грантни қўлга киритишга муваффақ бўлганди.

Қисқа вақт ичида ишсиз юрган 70 нафар ёш тикувчилик, қандолатчилик касбини ўргана бошлади. Ҳадемай, марказда уй ҳамшираси, зардўзлик, компьютер курслари очилади.

Ҳозирги кунда ҳудудимизда 22 та хусусий фирма ва ўнлаб тадбиркорлар фаолият кўрсатаётирлар. Хусусан, бўёқ ишлаб чиқарувчи "Саховат" кичик корхонаси раҳбари Олимжон Ҳожиевнинг саъй - ҳаракати билан 20 нафар киши ишли бўлди. 34-мактаб спорт залига ўт тушганида корхона ўз ҳисобидан 5 миллион сўмлик маблағ эвазига уни таъмирлаб берди. Ҳар йили ушбу ўқув масканига 250-300 минг сўмлик бўёқ ажратади. Темир -бетон кичик корхонасида 65 нафар, ғишт заводида эса 40 нафар киши иш билан таъминланди. Қисқаси, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш эвазига қисқа муддатда 200 нафардан кўпроқ ўғил-қиз ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Амалдаги йилда бу кўрсаткичларни янада ошириш режамиз бор.

**Ҳабибулло АБДУРАҲИМОВ,**
**Наманган туманидаги Ирвадон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**



**Феруза Абдуқаҳҳорова эндигина ўн беш ёшга кирди. Лекин у ўзининг турли йўналишдаги иқтидори билан тенгдошлари орасида ажралиб уради. Феруза Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги банк-иқтисодиёти йўналишида ихтисослашган махсус мактабда ўқиш билан биргаликда санъатга жуда қизиқади. У ўз тенгдошлари билан мактаб саҳнасида ижро этиш учун турли мавзудаги сценарийлар ёзади.**

**М. НУРИНБОЕВ олган сурат.**

●Тўй ва маросимлар қандай ўтмоқда?

## БИТТА ТЎЙДАН-160.000 СЎМ ИҚТИСОД БЎЛДИ

### ва бу пул бир инсоннинг эҳтиёжига яради

**Тўй-маъракаларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви билан биргаликда ишлаб чиққан тавсиялар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатвосини ҳаётга татбиқ этиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик.**

Аввало, уларнинг мазмун-моҳияти, мақсадини маҳалла аҳлига тушунтиришда фаолларимиз жон куйдириб фаолият юргиздилар. Шундан кейин тўю тантана, дафн маросимларини тартибга келтириш, ҳар қандай дабдабабозликка барҳам бериш, ўтаётган тадбирларни қатъий назорат остига олиш учун махсус комиссияларни туздик. Масалан, тўй комиссияси аъзолари ишини таҳлил этиб кўрайлик. Уни кўпни кўрган Муҳитдин Мамажонов бошқаради. Қисқа муддат ичида самарали натижалар қайд қилинди. Ҳозир тўйдан олдин тўй эгаси йиғинимизга маслаҳатга келади. Тўй куни белгиланади. Тантана бир кун ичида тугайди. ФҲДЁ бўлими вакили ҳам тўй ўтаётган хонадонларга ташриф буюради. Дастурхон баҳоли-қудрат ясатилади. Спиртли ичимликларни қўйиш маън этилган. Чаллар ўрнига маълум вақт ўтгач, куёв билан келин қуданикига бориб келишади, холос. Яқинда Мўминжон Ғаффоров хонадонида никоҳ тўйи ўтказилди. харажатларни биргаликда ҳисоб-китоб қилиб чиқсак, аввалги тўйга нисбатан 160000 сўм кам сарфланибди, яъни тўй эгаси шунча пулни иқтисод қилиб қолган. М.Ғаффоровнинг саховатпешалигини қарангки, у тежаб қолган маблағдан кам таъминланган бир оила фарзандининг суннат тўйини ўтказиб берди. Ахир, бунинг нимаси ёмон?!

Дафн маросимлари тўғрисида ҳам юқоридагига ўхшаш фикрларни айтиш мумкин. Етти, йигирма, йил ва бошқа маросимлар барҳам топган. Ўзига тўқроқ кишилар эҳсон қилишиб, унда фақат кам таъминланган оилалар фарзандларига дастурхон ёзишади. Уларга лойиқ ош дамланади. Ҳозир йўқловларда марҳумнинг қариндош-уруғлари қатнашяпти, холос. Фотиҳагарчиликларда дастурхон ёзилмаётгани ҳам бошига ташвиш тушганларга моддий мадор бўляпти.

**Минавварxон ДАДАХОНОВА,**
**Наманган шаҳри Гулбоғ маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

